



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 7 декабрь, № 238 (5658)

Жума

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

## «Ўзбекистон Конституцияси жаҳон андозаларининг юксак талабларига жавоб беради»

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллиги муносабати билан дунёнинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари вакиллари Ўзбекистонда истиқлол йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини юртимизнинг хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган дипломатия ваколатхоналарига маълум қилмоқдалар.

### Дунё нигоҳи

Жумладан, **Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг собиқ депутаты, “Шиндонг Рисорсиз” компанияси президенти Ким Ёнг Гун** жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллик байрами мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганнинг 20 йиллиги санаси билан бир вақтда нишонланаётганидан мамнуният ихчор этди.

— Конституция — ҳар қандай давлатнинг асосий қонуни бўлиб, у ўзида демократиянинг инсон ҳуқуқлари муҳофазасини ҳамда мамлакатда тинчлик ва оқилолликни таъминлашга қаратилган меъёрларни мужассамлаштиради, — деди у. — Ўзбекистон Республикасининг

Конституцияси барча умумқабул қилинган халқаро талабларга жавоб бергани ҳолда, унда илгор демократик давлатларнинг таърибаси ҳам ўз ифодасини топган. Бу эса, табиийки, республикада тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ҳамда эътиқодлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатлари бирдек муҳофаза этилишига хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Ким Ёнг Гун эътироф этганидек, Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган муваффақиятлардан фахрланишга ҳақлидир. “Халқаро даражадаги юксак обрў-эътибор, муттасил ривожланаётган иқтисодий, мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқти-

содий ислохотлар — буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ҳаётга татбиқ қилинаётган оқилона сиёсат самарасидир”, деди корейлик эксперт. Ким Ёнг Гуннинг фикрича, давлат тараққийнинг мустахкам пойдевори бўлмиш мамлакатимиз Асосий Қонуни мазкур жараёнда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамоат ташкилотларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза этилишига алоҳида эътибор қаратилгани, қолаверса, бу мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг муҳим шарти саналиши ҳам Жанубий корейлик эксперт томонидан ўз эътирофини топди.

(Давоми 2-бетда).



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҲАМДА РАҚАМ ШАРҲИ

2012 йил 6 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз иштини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқишдан бошлади. Мамлакатнинг бош молиявий ҳужжати макроиқтисодий мувозанатни ҳамда мамлакат иқтисодиёти юқори суръатларда ўсишини таъминлашга, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, мамлакат аҳолисининг фаровонлигини ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетни Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўйилган вазифаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан маъмурият ҳукуматининг 2012 йил 19 январдаги мажлисида белгиланган берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг асосий устувор йўналишлари амалга оширилишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган.

Сенаторлар ўтган йиллардаги каби, 2013 йилда ҳам солиқ сиёсати ҳужжали юртувчи субъектларга ва аҳоли даромадларига тушадиган солиқ юқини янада камайтиришга, солиқ солиш тизимини содда-лаштириш, солиқ маъму-

риятчилиги чораларини кучайтириш, солиқ солиш объектларини камайтириб қўрашга ва яшириш ҳолларига чек қўйиш йўли билан мамлакат иқтисодиётини янада модернизациялаш ва янгилаш учун қўлай шароитлар яратишга йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслардан олинмаган даромад солигининг энг кам ставкаси бир фоиз бандига камайтирилади, бу эса солиқ тўловчиларнинг ҳар қайси гуруҳидан олинмаган солиқнинг қисқаришини таъминлайди. Натижада жисмоний шахслар ихтиёрида қўшимча равишда 186 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ қолади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларга тушадиган солиқ юқини камайтириш учун йил бошидаги энг кам иш ҳақидан (энг кам иш ҳақи йил давомида ўзгартиришдан қатъи назар) келиб чиққан ҳолда энг кам иш ҳақининг қаррали миқдорларида ҳисобланадиган қатъий солиқ ставкаси белгиланмоқда.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини босқичма-босқич ошириш чораларини рўйбга чиқариш бўйича ишлар давом эттирилади, бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмушининг сифати ва даромадлари ошиши учун шароитлар яратади.

(Давоми 2-бетда).

## Жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик

фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга

Тошкентда Ижтимоий масъул фуқаролар форумининг 2012 йил якунларига бағишланган ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Республика Жамоатчилик кенгаши раиси Гулнора Каримова ҳамда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Касб-сана уюшмалари федерацияси кенгаши, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа жамоат ташкилотлари, молия муассасалари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Эътироф этилганидек, юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритишини кафолатлайдиган асосий тамойиллар миллий қонунчи-

лигимизда мустахкамлаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, аҳоли турли қатламлари манфаатларини акс эттирган шундай ташкилотлар ривожланиши учун қўлай муҳит ва шароит яратди. Бугунги кунда 6 мингдан зиёд ННТ фуқароларининг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаолиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун кулайлик яратиб, жамиятимизда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўмқувватлаш келаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Мазкур ташкилотларнинг жамият ҳаётида обрўси ошиб, мустахкамлашга қаратилган миллий танлов нуфузи тобора ўз ичига олган.

Бағрикенглик, дарёдиллик, кечиримлик бизларга аждодларимиздан мерос фазилат ҳисобланади, — дейди сенатор М. Тоиров.

— Шу фазилатнинг мавжудлиги, асрий анъаналаримизнинг бардавомлиги миллат сифатида ҳамма юзимизни ёруғ, халқ сифатида қадримизни балан қилиб келган. Юртбошимиз раҳнамоллигида мустақиллигимиз бос аждодлардан ўтиб келаётган барча эзгу ишларимиз янада кенг қулоч ёйди.

(Давоми 2-бетда).

### «Йил аёли — 2012»

Пойтахтимизда “Йил аёли — 2012” миллий танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

### Оқила, зукко, ташаббускор

Маълумки, бу йил ҳам мазкур анъанавий тадбир “Аёллар кенгаши” республика жамоатчилиги билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юқори савияда ўтказилди. Кейинги йилларда оқила, фаол, ташаббускор ва тадбиркор опа-сингилларимизни муносиб рағбатлантириш, уларнинг касбий фаолиятини, илгор қўяларини қўллаб-қувватлашга ва инсонпарварлик каби олий фазилатларнинг нозик қирраларини ҳам ўз ичига олган.

— Бағрикенглик, дарёдиллик, кечиримлик бизларга аждодларимиздан мерос фазилат ҳисобланади, — дейди сенатор М. Тоиров.

— Шу фазилатнинг мавжудлиги, асрий анъаналаримизнинг бардавомлиги миллат сифатида ҳамма юзимизни ёруғ, халқ сифатида қадримизни балан қилиб келган. Юртбошимиз раҳнамоллигида мустақиллигимиз бос аждодлардан ўтиб келаётган барча эзгу ишларимиз янада кенг қулоч ёйди.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● “Истиқлол” санъат саройида “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” фестивали бўлиб ўтди. Тадбир доирасида “Энг яхши ёш тадбиркор”, “Энг яхши спортчи”, “Қамолот” ёшлар

ижтимоий ҳаракатининг қорхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотининг намуна етакчиси” ва бошқа кўплаб номинациялар бўйича ғолиблар мукофотланди.

● “Ҳаёт учун” кўрак беги саратони миллий уюшмаси ва “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида Оролбўйида аёллар саломатлигини янада мустахкамлашга қаратилган акция ташкил этилди. Унинг доирасида онколог, психолог, гинекологлардан иборат малакали мутахассислар аёлларни тиббий кўриқдан ўтказишди.

● Пойтахтимизда Республика ёш олимларининг “Илм-фан тараққий ва иқтисодий инновацион ривожлантириш” мавзуида илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. ЎЗР ФА тизимидаги илмий тадқиқот институтлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олий

ўқув юртиларида фаолият кўрсатаётган ёш олимлар ҳамда талабалар қатнашган мазкур тадбирда “Энг яхши инноватор олим”, “Энг яхши илмий мақола”, “Энг намунали устоз-шогирд” номинациялари бўйича ўтказилган танлов ғолиблари эълон қилинди.

● Навоий шаҳрида республика Адлия вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонуний ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

● Камолитдин Бехзод номидаги Мемориал боғ-музейида Конституцияимизнинг 20 йиллигига бағишланган “Бу замин — менинг Ватаним” мавзуида кўргазма очилди. Унда талабаларнинг тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишларидаги мамлакатимиз тарихи, миллий қадриятларимиз, буюк сиймо-лар ва замонамиз қаҳрамонлари, Ватанимизнинг гўзал табиати акс эттирилган ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

## Инсонпарварлик ва бағрикенглик ифодаси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид кўплаб масалалар кўриб чиқилди. Чунинчи, Олий Мажлис Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори кенг жамоатчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди. Дарҳақиқат, сўнгги

йилларда республикамизда суд-ҳуқуқ соҳасида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Миллий қонунчилигимиз инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилинишини таъминламоқда. Мухбиримиз билан мулоқотда бўлган сенаторлар амнистия тўғрисидаги қарорнинг аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

— Шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш соҳасидаги ишларнинг гоят муҳим йўналишидир, — дейди Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси С. Ортиқова. — Шу боис муҳим қонунчилик йилларида жиноят қонунчилигимиз либераллаштирилди. Инсонпарварлик тамойилларига асосланган давлат сиёсатининг

бир йўналиши сифатида жиноят қонунчилигимиз либераллаштирилди. Инсонпарварлик тамойилларига асосланган давлат сиёсатининг

га кирган шахснинг ҳар қандай қилмиши учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишига эришиш айни мuddага саналади. Шу боис ҳам юртимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари моҳиятига айнан мазкур гоя сингдирилган. Инсонпарварликнинг энг олий тарзда намоён бўлиши, бу — давлат раҳбари ташаббуси билан парламент юқори палатаси томонидан қабул қилинадиган амнистия актидир. Шунини алоҳида қайд этиш

(Давоми 2-бетда).

## Янги сув тармоқлари фойдаланишга топширилмоқда

2012 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимиз бўйича 1,8 минг километрлик сув тармоқлари ишга туширилди.

Аҳолининг сифатли ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятини янада яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, айниқса, қишлоқ жойларда обихаёт таъминоти тобора яхшиланиб бормоқда.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.





# «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ

Жамоаси

днёримиз  
аҳли ва меҳмонларини

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги

билан мувораққод этади.

Озод ва обод юртимизини меҳнатсевар халқига тинчлик-омонлик, хонадонларига қут-бароқа, эзгу ва хайрли ишларида омад пилайди!



**Яхши хабарлар**

**Истеъдодли қизлар кўриги**

Урганч шаҳрида Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказиб келинаётган республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унинг шахар ва туман босқичларида 1000 нафардан ортиқ истеъдодли қизлар қатнашган бўлса, вилоят босқичида 40 нафар иштирокчи орасидан фан, таълим, маданият, санъат ва адабиёт йўналишлари бўйича голиблар аниқланди. Шунингдек, тасвирий санъат, рассомлик билан шуғулланадиган қизларнинг кўргазмалари бу ерга ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

Голиблар танловнинг якуний босқичида иштирок эташди.

**О. РАҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Навойда рақамли телевидение**

Замонавий рақамли телевидение тизимини ривожлантириш инвестиция дастури доирасида Хатирчи туманидаги **Лангар радиотелевидение узатиш станциясида қиймати 2,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 5 кВт қувватли рақамли телеузатиш қурилмаси ўрнатилди.**

— Германиянинг «Rohde&Schwarz» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли вилоятимиз аҳолиси ўн икки каналли рақамли телевидение имкониятларидан фойдалана бошлади, — дейди Навой вилояти радиотелевидение узатиш маркази директори Бахтиёр Ниёзов. — Мазкур янгилик юртошларимизга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги арафасида муносиб тўхфа бўлди.

**А. ЗАРИПОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Ўнфинг хавфсизлиги ойлиги**

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига асосан, жорий йилнинг 20 ноябидан 20 декабрга қадар республикамизда «Ўнфинг хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришдан иборат.

### Тарғибот ва масъулият

Ойликнинг айнан куз фасли охири, қишнинг бошларида ўтказилиши бежизга эмас. Гап шундаки, бу даврга келиб ҳаво ҳарорати анча пасаяди ва қорли-қировли кунлар бошланади. Табиийки, ушбу жараёнда фуқароларнинг иситиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи ҳам сезиларли даражада ортади. Лекин ҳамма ҳам ана шу эҳтиёжини белгиланган тартибда, тегишли мейёр-қоидаларга риоя қилган ҳолда қондирмайди. Масалан, носоз электр жиҳозлари, хавфсизлиги кафолатланмаган қурилмаларни ишлатиш, эҳтиётсизликка йўл қўйиш, болаларни қаровсиз қолдириш каби ҳолатлар учрайдими, булар кўпинча кўнгилсизлик билан юз берилади. Шу боис уларнинг олдини олишда Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини таъминлашнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Айни кунларда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли тураржойлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган тайёр-гарликларни яна бир қарра назоратдан ўтказиб, ҳар бир объект бўйича ўз хулосаларини билдирмоқдалар. Ўз навбатида, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этишга эътибор қаратаётганлар. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида учрашувлар ташкил қилиниб, уларда ёнғин хавфсизлиги қоидалари, Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида» Қонуни мазмун-моҳияти апрофича тушунтирилмоқда.


Таъкидлаш жоиз, ҳар йили жойларда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»нинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар, таълим муассасалари ҳамкорлигида уюшқоқлик билан ўтказилаётгани мамлакатимиз миқёсида ёнғин билан боғлиқ ноҳуш ҳолатлар сонини сезиларли даражада қисқартириш имконини берапти. Жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида 2011 йилнинг шу дав-

ридаги нисбатан қарийб 50 та кам ёнғин қайд этилгани бунинг яққол тасдиғидир. Жароҳат олганлар сони эса 61 кишига осайди. Маъмурий бинолар ҳақида ҳам шундай рақамларни келтириш мумкин. Лекин рўй берган бахтсиз ҳодисалардан келиб чиқиб айтганда, ҳали биз, мутахассисларнинг эътибор қаратишимиз зарур бўлган ишлар кўлами ҳам кенг.

Тахлилларга кўра, ёнғинларнинг асосий қисми оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ёки носоз электр жиҳозларини ишлатиш натижасида юз бермоқда. Энг ачинарлиси, бу офат беғуноқ инсонларнинг умрига ёки соғлиғига зомин бўлаётди. Демак, тарғибот-ташвиқот жараёнида ана шуларни бартараф этиш бўйича янада таъсирчан усуллардан фойдаланишимиз лозим.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фақат соҳа ходимларининг вазифаси эмас, балки барчанинг зиммасидаги улкан масъулиятдир. Бунинг ҳар бири киши дилдан ҳис этиб, амал қилса, кўзда тутилган эзгу мақсадлар рўёби янада тўқис бўлади.

**Бобур ЭШМАТОВ,**  
Тошкент шаҳар маъмурий биноларни ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлими смена бошлиғи, лейтенант.



ОБ-ҲАВО (7 декабрь)			
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	+2 +7 +10 +15	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	-2 +3 +10 +15
Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	+5 +10 +15 +20	Тошкент Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	+2 +7 +12 +17
Бухоро ва Навоий вилоятларида	+3 +8 +13 +18	Тошкент шаҳрида	+4 +7 +17 +20

**Реклама ва эълонлар**

### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**объектларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича юридик шахсларнинг такроран ички танловини эълон қилади:**

- «Шабада» талабалар ошхонаси
- 7-ўқув биносидаги талабалар ошхонаси
- «Учқудук» талабалар ошхонаси
- 3-талабалар тураржойидаги талабалар буфети
- 2-талабалар тураржойидаги талабалар буфети
- Бош ўқув биносидаги талабалар буфети
- 6-ўқув биносидаги талабалар буфети
- 2-ўқув биносидаги талабалар буфети
- 5-ўқув биносидаги талабалар буфети
- Ахборот-ресурс марказидаги талабалар буфети
- Маъмурий бинодаги талабалар ошхонаси

**Буортмачи** — Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

**Ички танлов комиссияси** — Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

**Манзил:** Ўзбекистон шохқўчаси, 49-уй, университет бош биноси, 402-хона.

**Телефон:** (8-371) 232-60-03.

**Танловда қатнашадиган юридик шахслар танлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- танлов комиссияси раиси номига ариза;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси (нотариал тасдиғи билан);
- умумий овқатланишни ташкил қилиш соҳасидаги фаолият, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;
- махсус моддий-техник база ва озик-овқат технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

Ички танлов ҳужжатларини харид қилиш учун танлов комиссиясига мурожаат этиш лозим: Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

Манзил: Ўзбекистон шохқўчаси, 49-уй, университет бош биноси, 402-хона.

Телефон: (8-371) 232-60-03.

**Ички танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм ўтказилиши лозим:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги амалиёт бошқармаси, х/р: 23402000300100001010, МФО: 00014, СТИР: 201122919, ш/х/р: 400110860262947950100079002, СТИР: 200794448, ОКОНХ: 92110.

Ички танлов ҳужжатлари учун учинчи шахснинг тўлови таққиланади.

Комиссияга таққиллар бериш — ички танлов ўтказиладиган сана ва вақтга давом этади.

**Конвертларни очиб қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент ш., Ўзбекистон шохқўчаси, 49-уй, ТДИУ.**

**Конвертларни очиб эълон чоп этилган санадан камида 30 кун ўтгандан кейин амалга оширилади.**

### «КОСНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 21 августдаги 10-1210/12463-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 104-уйда жойлашган, умумий ер майдони 10361 кв.м., умумий бино майдони 4417 кв.м. бўлган, 1971 — 1992 йилларда қурилган бино такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 2 500 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 24 декабрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрозчилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабдорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мўддати — 2012 йил 21 декабрь кўни соат 18.00.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатда ижро ҳўжжати рақами ва санасини курсатган ҳолда, «КОСНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамли к., 1-«А» ўй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР**

9.00 дан 18.00 гача

**232-11-15, 236-09-25.**

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА жамоаси Агентлик фототахририяти фотомухбири Асқар Якубовга онаси

Светлана ЯКУБОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.




Барча юрtdошларимизни  
Ўзбекистон Республикаси  
**КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ**  
**20 ЙИЛЛИГИ**  
билан муборакбод этади!

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш  
ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан  
дадил бораётган юртимизнинг иқболи порлоқ бўлсин!


[www.aloqabank.uz](http://www.aloqabank.uz)

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN



«Ипотека-банк» жамоаси  
сизларни Конституция куни  
билан табриклайди!

Барчангизга сиҳат-саломатлик,  
оилавий қувонч,  
юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги  
йўлида амалга ошираётган эзгу  
ишларингизда улкан зафарлар  
тилайди!

20 йил!



**«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАК**

мамлакатимиз кимёгарлари номидан  
Ўзбекистон халқини улуғ байрам —

**Конституция куни**

билан чин дилдан қутлайди!



Меҳнатсевар, қўли гул халқимизнинг  
яратувчанлик ва бунёдкорлик жабҳасида эришаётган  
ютуқлари тобора кўпайиб, юртимиз кундан-кунга чирой очаверсин!  
Ҳар бир хонадонга тинчлик ва омонлик, бахт-саодат, дастурхонларига қут-барака,  
амалга ошираётган хайрли ишларига омад тилаймиз!

8 декабрь



Ўзбекистон Республикасининг  
барча фуқароларини  
Конституция куни билан самимий  
муборакбод этади.  
Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат,  
фаровонлик, муваффақият  
ва омадлар тилайди.

Халқ сўзи  
Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан  
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 58 889 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва  
муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда  
оператор М. Бегмуратов  
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Навбатчи — М. Холматова.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Тошширилди — 22.15 1 2 3 4 5